

## «САРТ» СЎЗИ МАЪЛУМ БЎЛМАДИ

Мўътабар «Садойи Фаргона» жаридасининг 30-нўмерида «Сарт сўзи маълумдур» унвонлик бир маколани кўруб ўкумасдан аввал «сарт» сўзи хал килинди гумони-ла калбан бир даражада хурсанд бўлсак хам, лекин маколани тамоман ўкуб чиккандан сўнг хурматлу Мулло Абдуллобек жанобларининг килган ривоятлари мазмунидан «сарт масаласи»нинг яна бурунги мажхул холига колгонин англаб умидимиз бўшга чидди. Чунки А. афандининг сарт хакида ёзган сўз ва далиллари маҳз оғизлардан эшитилган хакикати номаълум шайлардан иборат бўлуб, хеч бир асл ва асосга мабни эмасдур. Бизнинг фикр ва билганимизча, «сарт» сўзининг хакикати машхур ва инобатлик муаррих ва мусташриклар тарафидан кашф ва хал ўлинуб, хануз бир жойга карор берилган йўқдур. Агарда «сарт» сўзи маълум бўлса эди, яъни Туркистондаги халкларнинг барчаси ёки муайян бир кисмининг «сарт» аталгони далойили тарихий илиа исбот килинган бўлса эди, ул суратда хеч ким «сарт» хусусида сўз очмас ва баҳс чикормас эди. Мухтарам Махмудхўжа жанобларининг бул хусусда «Ойна»га хели ривоят ва килу колларни накл этуб хам ўз фикрларини ёзганларига сабаб, шул «сарт» сўзининг мажхуллиги бўлса керак.

Дуруст, хаёт ва мамот масаласи кадар мухим бўлган неча масалалар кўзимиз олдига тургон холда аларни эхмол этуб, факат «сарт» сўзи илиа шугуллануб, фурсатларни бўшга ўткармоклик хам яхши эмас. Лекин асримиздаги ёврупойилар кошида «миллият» масаласи «дин» масаласидан мухим ва мукаддам тутилган бир замонда бизлар хам миллият масаласидан саналган «сарт» хакида гоҳ-гоҳ баҳс этишуб миллиятимизин хотирлаб тургонда зарар кўрмасмиз. Диний, миллий ва майший масалалар хусусида (низом ва конундан чикмаслик шарти-ла) хар доим баҳс ва музокара этишуб турмокга хаккимиз бор. Шунинг учун фалон масала хусусида сўз очма! Ёки фалон лакабни мутлако бўйнунгга токарсан, деб сабабсиз зўрлик этмокга хеч кимнинг хакки бўлмаса керак.

Максадга келайлук. Мулло А. афандининг «Сарт сўзи маълумдур» унвони остида: «Бир замонларда Туркистонда сахроий киргиз ва казок...»,—деб накл ва ривоят этган маълумотлари кайси таърих китобидан ва ё кайси ишончлик муаррих сўзидан олинганлигини била олмадук, агар бу ривоятлари маҳзи оғзаки хикоя ва сўзлар жумласидан иборат бўлса, бул тақдирда, мунинг илиа «сарт» сўзи маълум бўлди, ёки «сарт» масаласи хал килинди, деб хукм этмок мутлако дуруст эмасдур. Чунки муаррихлар мундай аслсиз сўзларни далил макомига келтурууб, мушкул бир масалаи тарихияни катъий суратда хал этмайдурлар. Балки бир муносиб келганда, каринаи макомга караб, бир даъвонинг таквияси учун зикр этубгина ўтарлар. Асли номаълум

бир ривоят ила улуг масалаи тарихияни хал этмокликини эса тарих хакида жиноят санайдурлар.

Шундай коидаларни оз-моз билганимиздан Мулло Л. афандининг сарт масаласини хал этмок касди-ла ёзган аслсиз далиллари хайрат ва таажжубимизни мужаб бўлди. Чунончи, мушорун алайх сўзларин бир жойида «сарт»нинг асли «шарт» деб, оидан сўнгра деюр: «Мухтарам азизларга махфий колмасунки, хар ким бизни сарт деса, мунга хурсанд бўлуб, фахр килмокимиз даркордур. Чароки сарт дегани, масжидлик ва мадрасалик ва бозорлик ва озода уламони маданий, дегани бўлур». Холбуки бу маъно аввалги маънога бутун магойирдур. Чунки, аввалги маънога караганда, «сарт» лафзи «шарт»дан маъхуз эдики, бул суратда сартнинг маъноси иечук масжидлик ва фалонлик бўлсун?.. Шерали Лапин жанобларининг «сарт»га «сариг...» деб берган маъноси на кадар номуносиб бўлса, юкорида берилган маъно хам шундай келишсиздур. Бизнинг баъзи асарларда кўрганимизча, «сарт»нинг маъноси карvonбоши ёки савдогар каби мазмунда эдики, бул хам бир мусташрикнинг сўзиидур. Хулоса: «сарт» на маънода бўлса бўлсун, арбоби тарафидан хал килинмагунча они кабул этмасликка хаккимиз бор. Шунинг учун мажбурий суратда айтиб турамизки, «сарт» сўзи хануз мажхулдур. Юкоридаги мазмунда мухтасарча бир макола ёзуб, качонлар «Садойи Фаргона» идорасига юборган эдук. Идора жаридага дарж этмокга танзил этмагани ёки муносиб кўрмагани учун бир оз тафсили или «Ойна»га ёзмокга мажбур бўлдук.

«Ойна» журнали, 1914 йил, 39-сон, 922—924-бетлар.